


VII. ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ


2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида, вилоятнинг чакана савдо товар айланмаси 11 532,5 млрд. сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 2,9 фоизга ўсди. Шу жумладан, йирик корхоналарнинг товар айланмаси 2 590,7 млрд. сўмни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг товар айланмаси 8 941,9 млрд. сўмни ташкил этди.

Худудлар кесимида чакана савдо товар айланмаси ҳажми, млрд. сўм



Чакана савдо товар айланмаси ҳажмида катта улушга эга бўлган Самарқанд шаҳри 40,4 %, Урғут тумани 10,8 %, Пастдарғом тумани 6,0 %, Булунғур тумани 5,0 %, Каттақўрғон шаҳри 4,8 %, Самарқанд тумани 4,2 %, Иштихон тумани 3,8 %, Каттақўрғон тумани 3,7 % ва Пайариқ тумани 3,4 %, чакана савдо товар айланмасининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатди.

Чакана савдо товар айланмасида шаҳар ва туманларнинг улуши, % да




Вилоятда аҳоли жон бошига 2020 йил январь-сентябрь ойларида чакана савдо товар айланмаси 2954,8 минг сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,9 % га кўпайди. Асосан аҳоли жон бошига энг юқори кўрсаткичлар Самарқанд шаҳри (8 501,5 минг сўм), Каттақўрғон шаҳри (6 148,2 минг сўм) ва Булунғур туманларида (3 079,3 минг сўм) кузатилди.

Аҳоли жон бошига чакана савдо товар айланмаси

	<i>Ҳажми, минг сўмда</i>	<i>Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан, % да</i>
Вилоят бўйича	2 954,8	100,9
Самарқанд ш.	8 501,5	105,1
Каттакўрғон ш.	6 148,2	98,6
туманлар:		
Булунғур	3 079,3	99,4
Жомбой	2 208,6	98,4
Иштихон	1 716,7	98,4
Каттакўрғон	1 571,4	99,3
Нарпай	1 560,6	98,9
Нуробод	1 776,6	98,2
Оқдарё	1 711,3	98,7
Пайариқ	1 539,9	99,3
Пастдарғом	1 931,1	98,1
Пахтачи	1 575,3	98,5
Самарқанд	1 935,5	99,0
Ургут	2 431,8	98,1
Тойлоқ	1 612,6	98,0
Қўшрабат	1 903,2	98,2

Вилоятнинг барча ҳудудларида чакана савдо товар айланмасининг ўсиш суръатлари кузатилиб, ўтган йилга нисбатан юқори ўсиш суръати Самарқанд шаҳрида қайд этилди.

Чакана савдо товар айланмасининг ўсиш суръатлари, % да




Чакана савдо товар айланмаси таркибида йирик савдо корхоналарнинг ҳажми 2 590,7 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 76,4 % га ўсди ва умумий савдо ҳажмининг 22,5 фоизини ташкил қилди.


Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг чакана савдо товар айланмаси ҳажми статистик ҳисоб-китобларга кўра, 8 941,9 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,2 % га камайди. Вилоят миқёсида ушбу секторнинг жами чакана савдо товар айланмасидаги улуши 77,5 % га тенг келдмоқда.

Чакана савдо товар айланмаси таркиби, % да

2019 йил январь-сентябрь



2020 йил январь-сентябрь



■ Йирик корхоналар
■ Кичик тадбиркорлик


Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси

	Хажми, млрд. сўм	2019 йилга нисбатан, % да	Яқунга нисбатан, % да
Жами	11 532,5	102,9	100
шу жумладан:			
давлат мулки	11 531,1	115,2	99,99
нодавлат мулки	1,4	77,8	0,01

2020 йил январь-сентябрь ойларида чакана савдо айланмаси таркиби

	Хажми, млрд. сўм	2019 йилга нисбатан, % да	Яқунга нисбатан, % да
Чакана товар айланмаси	11 532,5	102,9	100
шу жумладан:			
йирик корхоналар	2 590,7	176,4	22,5
Кичик ва микрофирмалар	3 142,0	94,3	27,2
Норасмий сектор	5 799,8	90,5	50,3

Чакана савдо таркиби, % да



Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 212,1 млрд. сўмни ёки 2019 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан 75,9 фоизни ташкил этди.